

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ҚАРОР ВА ИЖРО

КОРХОНАЛАРДА ТЕЖАМКОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон корхоналарига ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича замонавий “Тежамкор ишлаб чиқариш (“Кайдзен”) тизимини жорий этиш ва ривожлантиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг раиси А.Шайхов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида сифатни бошқариш бўйича замонавий тизимлар ва ишлаб чиқаришни бошқаришга доир самарали услубларни ҳаётга татбиқ этишга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бу борадаги ишлар Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 июнда қабул қилинган “Республика корхоналарида халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш

тизимларини жорий этишни кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ва 2012 йил 7 мартдаги “Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ амалга оширилаётир.

Палата Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан ҳамкорликда “Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорликка кўмаклашиш” лойиҳаси доирасида мамлакатимизда

ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича замонавий “Тежамкор ишлаб чиқариш (“Кайдзен”) тизимини жорий этиш ва ривожлантириш дастурини амалга оширмоқда.

Мазкур дастурнинг асосий мақсади маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш самарадорлигини юксалтириш ҳисобидан ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини оширишдан иборат. “Тежамкор ишлаб чиқариш” менежменти услубини жорий қилиш кам маблағ сарфлаган ҳолда маҳсулот таннархини камайтиришга ёрдам беради.

Дастур доирасида ташкил этилган семинарларда мамлакатимизнинг юзта

саноат корхонасидан 120 нафардан зиёд вакил иштирок этди. «Deutsche Kabel AG Tashkent» ОАЖ, «Green World» ҚҚ, «UZTEX-Tashkent», «Nika Pharm», «Keng Makon», «E'tiqod», «Arslon plastik», «Agromir» каби 13 корхонада тежамкор ишлаб чиқариш принциплари синов тариқасида жорий этилди.

«Тежамкор ишлаб чиқариш» бошқарув тизими бўйича семинарларни мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказиш, мазкур услубни кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган бир қанча кичик корхоналарда синаб кўриш режалаштирилмоқда.

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 20.09.2013 йилдаги 259-сон қарори билан 2013—2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тасдиқланди, дастур аҳолининг дам олиши ва туризми учун шарт-шароитларни яхшилаш, маҳаллий ва хорижий сайёҳларни минтақанинг тарихий-маданий мероси билан таништириш, вилоят туристик салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва янада ривожлантиришга қаратилган.

Дастурда қуйидагилар назарда тутилган:

инфратузилмани ривожлантириш — туристик объектларнинг муайян жойлашув ўринлари, жойлашув харитачизмалари бўйича туристик йўл кўрсаткичларини ўрнатиш; Хўжакент темирйўл вокзалидан рекреация зоналарига йўловчиларни ташиш бўйича хизматларни кенгайтириш ва янги йўналишларини ташкил этиш ва бошқалар;

минтақанинг туристик хизматлари турларини диверсификациялаш - «Янгиобод» туристик базасининг фаолияти ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш; йўналишлар (Тошкент ш.-Бўстонлик тумани; Тошкент ш.-Ангрен ш.-Янгиобод кўрғони; Тошкент ш.-Паркент тумани) бўйича жуфт кунларда чиқиш жадвали бўйича қўшимча автобусларда экскурсия маршрутларини ташкил қилиш ва бошқалар;

туристик имкониятларни тақдим этиш бўйича чора-тадбирларни фаоллаштириш — Тошкент вилояти рекреация зоналари ҳақидаги батафсил маълумотларни оммавий электрон хариталарда (Google ва бошқаларда) жойлаштириш; экскурсия-туристик хариталарнинг электрон версияларини Интернет глобал тармоғида жойлаштириш ва бошқалар;

сайёҳлар учун ҳамроҳлик инфратузилмаси объектлари ҳолатини яхшилаш — банкоматлар, инфокиоскалар ва (ёки) туристик инфратузилма объектларида пластик карталардан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари тармоқларини кенгайтириш;

туризм соҳаси мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш — касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, «Ўзбектуризм» МК Республика илмий-ўқув консалтинг марказида ва Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти базасида минтақадаги туристик соҳа ходимларини ўқитишни ташкил қилиш ва малакасини ошириш.

Ҳукумат топшириғи билан Дастурни бажариш мониторинги бўйича Ишчи гуруҳ тузилди.

Қарорга мувофиқ республикада ишлаб чиқарилмайдиган, Дастур доирасида назарда тутилган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатлар бўйича четдан келтириладиган товарлар 2016 йил 1 январгача божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) озод этилади. Бўшаб қоладиган маблағлар мақсадли тусга эга ва Дастур доирасида назарда тутилган лойиҳаларни, шунингдек туризм соҳасини ривожлантиришга доир бошқа тадбирларни молиялаштиришга мақсадли тартибда йўналтирилади. Мақсадлардан ташқари фойдаланилган тақдирда, бўшаб қоладиган маблағлар жарима санкцияларини қўллаган ҳолда тўлиқ ҳажмда Давлат бюджетига ундирилади.

РЕСПУБЛИКАДА БЕШТА ХАЛҚАРО АЭРОПОРТ ОЧИЛДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 23.09.2013 йилдаги 263-сон қарори билан ҳаво кемаларининг халқаро учишлари учун Андижон, Наманган, Фарғона, Қарши ва Термиз шаҳарлари аэропортларини очиш ҳақида қарор қабул қилинди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК ва Учишлар хавфсизлиги назорати давлат инспекцияси Андижон, Наманган, Фарғона, Қарши ва Термиз шаҳарлари аэропортлари мақомига оид маълумотларни тайёрлаш ҳамда аэронавигация ахборотлари халқаро тўпламларида чоп этилишига масъул этиб тайинланди.

Ушбу аэропортларнинг мақоми ўзгартирилганлиги муносабати билан МАК МХХ, ДБК, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ТИВ тегишли бўлинмаларини чегара, божхона, санитария ва ветеринария назоратини самарали амалга ошириши учун зарур хизмат хоналари, алоқа воситалари ва махсус техника билан бепул таъминлаши, шунингдек мазкур аэропортларнинг кузатув пунктларида виза таъминотини амалга ошириши лозим.

Эслатиб ўтамиз: Вазирлар Маҳкамасининг 21.06.2012 йилдаги 178-сон қарори билан Тошкент, Нукус ва Самарқанд аэропортлари халқаро учишлар учун очилди.

ПЕНЯ ҲИСОБЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

Давлат солиқ қўмитасининг қарори (АВ томонидан 23.09.2013 йилда 1724-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Солиқлар ва бошқа мажбурий

тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги низома ўзгартиришлар киритилди.

Авалло таъкидлаш жоизки, киритилаётган ўзгартиришлар билан Низомнинг кириш қисмига тузатишлар киритилди. Ўзгартиришларга мувофиқ мазкур Низомнинг амал қилиши зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмаларига (бундан кейинги ўринларда — солиқ тўловчилар) тааллуқлидир. Илгари Низом тадбиркорлик субъектлари ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи нотижорат ташкилотларига тааллуқли бўлган. Шундай қилиб, ўзгартиришлар киритилгандан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеня ҳисоблаш ва ундириш тартиби жисмоний шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Қабул қилинган қарорга мувофиқ Низомдан «боқимонда» тушунчаси чиқариб ташланди ва «солиқ қарзи» тушунчаси киритилди. Мазкур тушунча нафақат солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммасини (боқимонда сингари), балки молиявий санкцияларни ҳам ўз ичига олади.

Шунингдек ҳужжатдан солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларини юритиш шакли ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланадиган норма чиқариб ташланди.

Низом матнидаги солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари, шунингдек бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатини бузганлик учун, ҳар бир кечиктирилган кун учун 2011 йил октябрь ойидан бошлаб 0,033 фоиз ҳисобланадиган пеня миқдори (0,05%) ўзгартирилди. Пеня солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларида акс эттирилган, солиқ қарзи суммасидан тўлов муддати тугаган кундан бошлаб ҳисобланади.

Ҳужжатда тузатишлар киритилган, пеня ҳисоблаш ва тақсимлашга доир мисоллар ҳам келтирилган.

Мазкур ўзгартиришлар Президентнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони (24.08.2011 йилдаги ПФ-4354-сон) 4-бандига мувофиқ киритилди.

Қарор 30.09.2013 йилдаги 39 (591)-сон “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”да расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

2-бетда



ЮКЛАРНИ ТРАНЗИТ ТАШИШ ШАРТЛАРИГА ТУЗАТИШЛАР КИРИТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг қарори (АВ томонидан 23.09.2013 йилда 577-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Божхона транзит режими тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича турли йўллар ва йўналишларда товарларни транзитига имкон яратувчи норма Низомдан чиқариб ташланди. Амалда Низомнинг мазкур нормаси Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 21-моддаси иккинчи қисмини такрорларди, унга кўра "товарларни транзит режимида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиш божхона органининг рухсати билан исталган йўллар ва йўналишлар бўйича амалга оширилади, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно". Маълумки, транзит режимидаги товарлар божхона назорати остида олиб ўтилади.

Илгари божхона назорати остида товарларни етказиб бериш қоидаларини бир неча маротаба бузган ташувчилар томонидан олиб ўтиладиган товарларни транзит божхона режимида жойлаштириш имкониятини назарда тутувчи банд ўз кучини йўқотган деб эътироф этилди. Илгари транзит товарнинг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши муносабати билан тўланган суммаларнинг кейинчалик қайтарилиши шарт билан божхона органларининг депозит ҳисобарақамига божхона тўловларининг тўланишини таъминлаш суммаларини киритиш шариҳида божхона органининг рухсати билан бундай имконият тақдим этилар эди. Амалда ушбу банд кучини йўқотиши шуни англатадики, у илгари қўлланилган ҳолатлар бундан буён товарларни транзит режими остида жойлаштириш ва ташувчиларнинг жавобгарлигини тартибга солиш тўғрисидаги божхона қонун ҳужжатларидаги умумий қоидалар билан тартибга солинади.

Низомнинг транзит режимида товарларни ташиш чоғида авариялар ёки ёнғиб бўлмас куч таъсири ҳолатларини тартибга солувчи банди хатбоши билан тўлдирилди, унга мувофиқ яқин масофада жойлашган божхона органи вазиятни ўрганиб чиққандан кейин содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси ҳақида далолатномани белгиланган шаклда тузади. Хатбоши аниқлаштирувчи мазмунга эга бўлиб, ҳужжатга анчагина аниқлик киритади. Далолатноманинг шакли эса илгари ҳам Низомга илова қилинган эди, у ҳозир ҳам аввалги кўринишда қолдирилган.

Давлат божхона қўмитасининг кўриб чиқилаётган қарори билан Божхона транзит режими тўғрисида низомга яна бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Қарор 30.09.2013 йилдаги 39 (591)-сон "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"да расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ САФАР ХАРАЖАТЛАРИ НОРМАЛАРИГА ТУЗАТИШЛАР КИРИТИЛДИ

Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 23.09.2013 йилда 932-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан сафар харажатларини халқаро молия бозорлари шартларига мувофиқлаштириш

мақсадида Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларига Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги хизмат сафари харажатлари учун маблағлар бериш тартибига ўзгартиришлар киритилди.

Буйруқ билан вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ходимларининг хизмат сафарлари чоғидаги хорижий валютадаги янги Сафар харажатлари нормалари тасдиқланди. Шундай қилиб, хорижий валютадаги суткалик нормалар ва ходимларнинг яшаши учун жой олиши бўйича харажатлари тўловининг чекланган нормалари, шунингдек айрим давлатларга сафарлар чоғида тўловлар амалга ошириладиган валюта ўзгартирилди. Масалан, Ўзбекистон Республикасидан Испанияга кетувчиларнинг хорижий валютадаги суткалик нормалари илгари 35 АҚШ долларини ташкил қилган эди, бундан буён сафар харажатлари бир суткада 40 евродан, келадиган мамлакатлари ичидаги сафарлар чоғида хорижий муассасалар ходимлари учун ҳамда чегарадан ташқарига ишга юбориладиганлар, шунингдек чегарадан ташқарида (хусусан, Испанияда) 60 суткадан ортиқ сафарда бўлган ҳолларда (61 кундан бошлаб) – 18 евродан ҳисобланади (илгариги норма 16 АҚШ долларини ташкил қилган эди). Ходимларнинг яшаш учун жой олишига доир харажатлар эса 130 еврога тенг бўлган (илгари – 100 АҚШ долларига тенг эди) норма доирасида тўланади.

Бундан ташқари, сафарлар пайтидаги сафар харажатлари белгиланган мамлакатлар рўйхати анчагина қисқартирилди. Илгари рўйхатда 199 давлат ва ҳудуд бор эди. Энди унда 119 давлат номи келтирилган, қолган 80 таси бир сатрда бирлаштирилди – улар учун 25 АҚШ долларини ташкил қиладиган ягона суткалик нормалар белгиланди.

Ҳужжатга кўра давлат бюджетидан молияланадиган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар сафар харажатларини ажратилган бюджет ассигнациялари доирасида амалга оширишлари лозим.

Буйруқ 2013 йил 1 октябрдан кучга кирди.

ТОВАРЛАРНИ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА БОЖХОНА НАЗОРАТИ ОСТИДА ЕТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ ЎЗГАРТИРИЛДИ

Давлат божхона қўмитасининг қарори (АВ томонидан 25.09.2013 йилда 875-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Товарларни автомобиль транспортида божхона назорати остида етказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Биринчидан, товар етказиб бериладиган жойни белгилувчи нормага тузатиш киритилди. Божхона назорати остида олиб ўтиладиган товарларни етказиб бериш жойи, аввалгидек, тайинланган божхона органи ҳисобланади, унинг фаолият кўрсатиш ҳудудида товар олувчи ёки унинг тузилмавий бўлинмаси жойлашган бўлади. Бироқ илгари ДБҚ норматив далолатномаларида белгиланган ҳолатларда бошқа тайинланган божхона органига товарларни етказиб беришга йўл қўйиларди, энди эса ташувчи билан келишишнинг ўзи кифоя. Шунингдек аниқлаштирилишича, Ўзбекистон божхона ҳудудида товарларнинг олиб ўтилиши йўналиши бўйича охириги божхона органи нафақат Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетилаётган, балки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит олиб ўтилаётган товарлар етказиб бериладиган жой ҳисобланади.

Бундан ташқари, товар етказиб бериладиган жойни белгилувчи жўнатиш божхона органининг рухсатини олиш зарурлигини назарда тутадиган норма ҳужжатдан чиқариб ташланди.

Ўзгаришларга мувофиқ товарни етказиб беришга божхонанинг рухсати талаб этилмайди. Илгари белгиланган шартларга риоя этилишининг ўзи кифоя. Чунончи, олиб кириладиган, ветеринария ёки фитосанитария назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарлар учун ушбу назоратдан мажбурий ўтиш талаби сақлаб қолingan ва ветеринария ёки фитосанитария назорат органининг рухсатномасини тақдим этиш асоси тайинланган жойда мазкур назоратдан ўтказиш имконияти бекор қилинди.

Шунингдек, ўзгаришларга биноан, Вазирлар Маҳкамасининг "Товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтишни тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори (4.03.2013 йилдаги 63-сон) кўрсатилган зарур ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, ёки божхона органларининг товарларни етказиб беришда божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлашга қаратилган талаблари (транспорт воситаларининг тегишли ускуналари, божхона кузатуви, божхона ташувчиси томонидан товарларни ташиш ёки божхона тўловлари тўланишини таъминлаш) бажарилмаган ҳолларда Ўзбекистон Республикасига товарларнинг олиб кирилишига йўл қўйилмайди. Бунда божхона органлари ташувчи етказиб бериш шартлари бажарилмаган товарларни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарига қайтариб олиб чиқиши тўсқинлик қилмайди. Эслатиб ўтамизки, илгари божхона органларининг юқорида айтиб ўтилган талаблари бажарилмаган тақдирда, эркин муомалага чиқариш божхона режимига мувофиқ мамлакатимизга олиб кириладиган товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудуди бўйлаб товарнинг келиш йўлидаги биринчи божхона органида мазкур божхона режимида жойлаштирилиши мумкин эди. Илгари бошқа божхона режимларига мувофиқ олиб кириладиган товарларнинг божхона расмийлаштирувини назарда тутувчи норма ҳам бекор қилинди.

Қоидаларнинг 9-"МДХ иштирокчи давлатларида чиқариладиган ва олиб келинадиган товарларни етказиб бериш хусусиятлари" бўлими ўз кучини йўқотган деб тан олинди. Қоидаларга хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказилган транспорт воситаларида товарларни етказиб бериш тартибини тартибга солувчи 10-бўлим киритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг автомобиль ташувлари соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар талабларига мувофиқ товарлар етказиб берилиши белгиланган. Хорижий эгалари номига рўйхатдан ўтказилган транспорт воситалари тайинланган божхона органигача товарни етказиб берганидан кейин чегарадан қайтариб ўтказиб юборилади. Ички товар ташувларида улардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ҳужжат билан бошқа ўзгаришлар ҳам киритилди.

Қарор 30.09.2013 йилдаги 39 (591)-сон "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"да расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юристимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.

МДХ ВА БОЛТИҚБҲҲИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	7.10.2013	1	0,7844	1	1,0641	1	0,0244
Арманистон	4.10.2013	1	405,29	1	551,11	1	12,60
Беларусь	8.10.2013	1	9140,00	1	12410,00	1	283,00
Грузия	7.10.2013	1	1,6620	1	2,2590	100	5,1775
Қозғистон	7.10.2013	1	154,15	1	209,80	1	4,80
Қирғизистон	8.10.2013	1	48,8997	1	66,4498	1	1,5142
Латвия	8.10.2013	1	0,518000	1	0,702804	1	0,016100
Литва	8.10.2013	1	2,5439	1	3,4528	1	0,07875
Молдова	7.10.2013	1	13,1027	1	17,8137	1	0,4073
Россия	5.10.2013	1	32,1005	1	43,7337	—	—
Тожикистон	7.10.2013	1	4,7683	1	6,2914	1	0,1499
Украина	7.10.2013	100	799,3000	100	1086,4885	10	2,4900
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚҲЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 8 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари.....	2032,31	1 Польша злотийси	696,31
1 Англия фунт стерлинги.....	3459,85	1 СДР	3318,91
1 Дания кронаси.....	392,49	1 Туркия лираси	1082,32
1 БАА дирҳами	587,63	1 Швейцария франки.....	2385,72
1 АҚШ доллари.....	2158,36	1 ЕВРО.....	2930,20
1 Миср фунти	313,22	10 Жанубий Корея вони	20,17
1 Исландия кронаси.....	17,86	10 Япония иенаси	222,21
1 Канада доллари	2094,48	1 Россия рубли	67,24
1 Хитой юани.....	352,67	1 Украина гривнаси.....	270,03
1 Малайзия ринггити	676,92		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

УШБУ
СОҒДА

• ҚАРОР ВА ИЖРО

- Корхоналарда тежамкор ишлаб чиқариш жорий этилмоқда **1-бет**
- ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

- Валюталар курси

1-2-бетлар

- ҲИСОБОТГА ТАЙЁРЛАНАМИЗ
- 2013 йилнинг тўққиз ойи учун ЖШДС, ЯИТ ва сугурта бадаллари бўйича

ҳисобот шаклларини тўлдиришга доир тушунтиришлар

3-6-бетлар

• ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

- Гаров реестри: он-лайн йўли билан

рўйхатга олиш шарофати

• ХҲЖАЛИК ҲҲҚҲҚИ

- Ўз-ўзига ижарачи бўла оладими?
- Ҳизмат сафари асосли бўлиши

8-бет

2013 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИ УЧУН ЖШДС, ЯИТ ВА СУҒУРТА БАДАЛЛАРИ БЎЙИЧА ҲИСОБОТ ШАКЛЛАРИНИ ТЎЛДИРИШГА ДОИР



ТУШУНТИРИШЛАР*

Корхонанинг (микрофирманинг) асосий фаолият тури консалтинг хизматларини кўрсатиш ҳисобланади. Корхонада 5 кунлик иш ҳафтаси ўрнатилган, ходимлар сони 10 киши, шу жумладан 1 нафар ўриндошдан иборат. Ўриндош даромадларидан унинг ариза-сига кўра ЖШДС энг юқори ставкада (22%) ушланади. Ходимлар иш ҳақининг 50%и пластик карточкаларга ўтказилади.

Январда жисмоний шахс (корхона ходими эмас) билан автотранспортни ижарага олиш шартномаси тузилди. Ижара ҳақи сум-маси шартномага мувофиқ 300 000 сўм.

Февралда муассис жисмоний шахсга 9 000 000 сўм дивиденд ҳисобланди. У мартда тўланди: пул билан - 4 800 000 сўм, натура шаклида (автомобиль) - 4 200 000 сўм.

Июнь ойида пенсия ёшидаги ходим 1 июлдан ўз хоҳишига кўра ишдан бўшатишни сўраб ариза берди.

Ходимларнинг бири билан унинг 19 ёшлик фарзанди ТДИУда ўқиши учун тўловни амалга ошириш мақсадида қарз шартнома-си тузилди. Қарзни сўндириш учун ҳар ойда, сентябрдан бошлаб, 150 минг сўм ушлаб қолинади.

Ярим йил якунлари бўйича жисмоний шахсларга ҳисоблаб ёзишлар, ушлаб қолишлар ва тўловларга доир куйидаги маълу-мотлар мавжуд:

1-ЖАДВАЛ

1.07.2013 йил ҳолатига сальдо	Сумма (сўм)
Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ва суғурта бадалларини чегирган ҳолда жисмоний шахсларнинг даромадлари бўйича қарздорлик, шу жумладан:	2 738 524
солик солинадиган даромадлар	2 578 524
ШЖБПХ чегирилган ҳолда жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тўлаш бўйича қарздорлик	308 976
ШЖБПХга мажбурий бадаллар бўйича қарздорлик	37 500
Фуқароларнинг суғурта бадалларини тўлаш бўйича қарздорлик	225 000

Охири. Боши «Норма маслаҳатчининг»нинг 1.10.2013 йилдаги 39 (428)-сониди.

Мазкур тушунтиришлар «Norma Ekspert» мутахассисларининг «Практическое бухгалтерия» («Амалий бухгалтерия») ва «Малое предприятие: учет, налоги, право» («Кичик корхона: ҳисоб, солиқлар, ҳуқуқ») электрон маълумотнома тизимлари асосида тайёрланган эксклюзив ишланмаси саналади. Уларни қайта босиш, шу жумладан электрон ОАВларда қайта босишга «Norma» газеталари бирлашган таҳририяти МЧЖ ёки «Norma Ekspert» ХКнинг ёзма рухсатномаси билангина рухсат берилади.

*2013 йилнинг I чораги учун ҳисобот шакллари тўлдиришга доир тушунтиришларни «СБХ»нинг 16.04.2013 йилдаги 15 (975)-сонидан, I ярми учун «СБХ»нинг 16.07.2013 йилдаги 28 (988) ва «Норма маслаҳатчининг» 16.07.2013 йилдаги 28 (417)-сонидан қаранг.

Ҳисобот даврида (июль–август) қуйидаги ҳисоблашлар, ушлаб қолишлар, тўловлар амалга оширилди:

2-ЖАДВАЛ
(сўм)

T/p	Ҳисоблаб ёзишлар, ушлаб қолишлар, тўловлар	Ярим йиллик учун жами	Ҳисобот даври ойлари			III чорак учун жами	9 ой учун жами ортиб борувчи яқун билан
			июль	август	сентябрь		
1	Ходимнинг даромади сифатида қаралмайдиган иш берувчининг харажатлари (Солиқ кодекси (СК) 171-моддасининг иккинчи қисми)*						
1.1	Белгиланган меъёр доирасида хизмат сафари харажатлари (суткалик пуллардан ташқари, ҳужжатлар билан тасдиқланган)	500 000	-	-	-	-	500 000
1.2	Белгиланган меъёр доирасида суткалик пуллар	79 590	-	-	-	-	79 590
1.3	Шахсий автомобилдан хизмат мақсадларида фойдаланганлик учун белгиланган меъёр доирасида компенсация (ЭКИХнинг 2 баравари)	955 080	159 180	172 826	183 060	515 066	1 470 146
1.4	1-бўлим бўйича жами*	1 534 670	159 180	172 826	183 060	515 066	2 049 736
2	Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар (СКнинг 172–175-моддалари)						
2.1	Ходимларнинг асосий иш жойи бўйича иш ҳақи	16 200 000	2 400 000	2 800 000	2 800 000	8 000 000	24 200 000
2.2	Ўриндошлик бўйича ишловчи ходимнинг иш ҳақи	900 000	150 000	180 000	180 000	510 000	1 410 000
2.3	Ходимларнинг асосий иш жойи бўйича мукофот	1 800 000	–	800 000	–	800 000	2 600 000
2.4	Меъёрдан ортиқча суткалик пуллар	70 410	–	–	–	–	70 410
2.5	Овқатланиш учун қўшимча тўловлар	5 580 000	920 000	840 000	840 000	2 600 000	8 180 000
2.6	Таътил пуллари	243 400	–	–	–	–	243 400
2.7	2-бўлим бўйича жами	24 793 810	3 470 000	4 620 000	3 820 000	11 910 000	36 703 810
3	Мулкий даромадлар (СКнинг 176-моддаси)						
3.1	Ижара ҳақи	1 800 000	300 000	300 000	300 000	900 000	2 700 000
3.2	Дивидендлар (жами)	9 000 000	–	–	–	–	9 000 000
3.2.1	шу жумладан натура шаклида (автотранспорт воситаси)	4 200 000	–	–	–	–	4 200 000
3.3	3-бўлим бўйича жами (3.1-банд + 3.2-банд)	10 800 000	300 000	300 000	300 000	900 000	11 700 000
4	Моддий наф тарзидаги даромадлар (СКнинг 177-моддаси)						
4.1	Қимматбаҳо совға (солиқ солинадиган қисми - 122 460 сўм)	600 000	-	-	-	-	600 000
4.2	4-бўлим бўйича жами	600 000	-	-	-	-	600 000
5	Бошқа даромадлар (СКнинг 178-моддаси)						
5.1	Пенсия	960 000	–	–	–	–	960 000
5.2	Моддий ёрдам (ЭКИХнинг 8 баравари)	636 720	–	–	–	–	636 720
5.3	Вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси	82 700	–	–	–	–	82 700
5.4	5-бўлим бўйича жами	1 679 420	–	–	–	–	1 679 420
6	Жисмоний шахсларнинг ҳисобланган жами даромади (2.7-банд + 3.3-банд + 4.2-банд + 5.4-банд)	37 873 230	3 770 000	4 920 000	4 120 000	12 810 000	50 683 230

*СК 171-моддасининг иккинчи қисмига кўра жисмоний шахсларнинг даромадлари бўлмаган тўловлар Маълумотлар ва расиифровкаларда акс эттирилмайди

T/p	Ҳисоблаб ёзишлар, ушлаб қолишлар, тўловлар	Ярим йиллик учун жами	Ҳисобот даври ойлари			III чорак учун жами	9 ой учун жами ортиб борувчи яқун билан
			июль	август	сентябрь		
7	ЖШДС бўйича имтиёзлар						
7.1	Солиқ даври учун ЭКИХнинг 12 баравари миқдоригача моддий ёрдам суммаси (СК 179-моддасининг 1-банди)	636 720	—	—	—	—	636 720
7.2	Юридик шахсдан олинган, солиқ даври мобайнида ЭКИХнинг 6 бараваригача миқдордаги қийматда ходимларга совғалар (СК 179-моддасининг 14-банди)	477 540	—	—	—	—	477 540
7.3	Давлат пенсиялари (СК 179-моддасининг 25-банди)	960 000	—	—	—	—	960 000
7.4	Муассис жисмоний шахснинг ўзи таъсис этган микрофирмадан олган дивидендлари (Президентнинг 29.12.2008 йилдаги ПҚ- 1024-сон қарори 5-банди)	9 000 000	—	—	—	—	9 000 000
7.5	Фарзанднинг олий ўқув юртида таълим олиши ҳақини тўлаш ҳисобига қарзни сўндиришга йўналтирилаётган иш ҳақи (СК 179-моддасининг 31-банди)	—	—	—	150 000	150 000	150 000
7.6	7-бўлим бўйича жами	11 074 260	—	—	150 000	150 000	11 224 260
8	ЖШДС бўйича солиқ солинадиган база, жами (6-банд - 7.6-банд), шу жумладан:	26 798 970	3 770 000	4 920 000	3 970 000	12 660 000	39 458 970
8.1	энг кам ставкада солиқ солинадиган ЖШДС бўйича солиқ солинадиган база (3.1-банд)	1 800 000	300 000	300 000	300 000	900 000	2 700 000
8.2	энг юқори ставкада солиқ солинадиган ЖШДС бўйича солиқ солинадиган база (2.2-банд)	900 000	150 000	180 000	180 000	510 000	1 410 000
8.3	белгиланган солиқ шкаласида солиқ солинадиган ЖШДС бўйича солиқ солинадиган база (8-банд - 8.1-банд - 8.2-банд)	24 098 970	3 320 000	4 440 000	3 490 000	11 250 000	35 348 970
9	Суғурта бадаллари ва ЯИТ бўйича солиқ солинадиган база (2.7-банд)	24 793 810	3 470 000	4 620 000	3 820 000	11 910 000	36 703 810
10	Ҳисоблаб ёзилган ЖШДС, жами (10.1-банд + 10.2-банд + 10.3-банд), шу жумладан:	2 478 691	524 528	519 312	367 312	1 411 152	3 889 843
10.1	энг кам ставкада солиқ солинадиган даромадлар бўйича ҳисоблаб ёзилган ЖШДС (ижарага беришдан даромадлар) (8.1-банд x 8%)	144 000	24 000	24 000	24 000	72 000	216 000
10.2	энг юқори ставкада солиқ солинадиган даромадлар бўйича (ўриндош иш ҳақи) ҳисоблаб ёзилган ЖШДС (8.2-банд x 22%)	198 000	33 000	39 600	39 600	112 200	310 200
10.3	белгиланган солиқ шкаласида солиқ солинадиган даромадлардан (8.3-банд) ҳисоблаб ёзилган ЖШДС (шартли равишда)	2 136 691	467 528	455 712	303 712	1 226 952	3 363 643
11	ШЖБПХга ҳисоблаб ёзилган мажбурий бадаллар (2.7-банд + 4.1-банд + 5.3-банд - 7.2-банд - 7.5-банд) x 1%	249 990	34 700	46 200	36 700	117 600	367 590
12	ШЖБПХга ҳисоблаб ёзилган бадалларни чегирган ҳолда ҳисоблаб ёзилган ЖШДС (10-банд - 11-банд)	2 228 701	489 828	473 112	330 612	1 293 552	3 522 253
13	Фуқароларнинг ҳисоблаб ёзилган суғурта бадаллари (9-банд x 6%)	1 487 629	208 200	277 200	229 200	714 600	2 202 229
14	Ҳисоблаб ёзилган ЯИТ (9-банд x 25%)	6 198 453	867 500	1 155 000	955 000	2 977 500	9 175 953
15	ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ТЎЛАНИШИ КЕРАК						
15.1	Жисмоний шахс даромади ҳисобланган тўловлар (СКнинг 172-178-бандлари) (6-банд - 10-банд - 13-банд)	33 906 910	3 037 272	4 123 488	3 523 488	10 684 248	44 591 158
15.2	Жисмоний шахс даромади ҳисобланмаган тўловлар (1.4-банд)*	1 534 670	159 180	172 826	183 060	515 066	2 049 736

T/p	Ҳисоблаб ёзишлар, ушлаб қолишлар, тўловлар	Ярим йиллик учун жами	Ҳисобот даври ойлари			III чорак учун жами	9 ой учун жами ортиб борувчи яқун билан
			июль	август	сентябрь		
16	ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРГА ТЎЛАНГАН ДАРОМАДЛАР						
16.1	Жами тўланган, шу жумладан:	32 576 886	3 638 524	3 037 272	4 123 488	10 799 284	43 376 170
16.2	пул маблағлари билан тўловлар:	27 476 886	3 578 524	2 977 272	4 053 488	10 609 284	38 086 170
	иш ҳақи тўлаш учун нақд пул маблағлари билан	9 983 237	1 541 262	1 320 636	1 853 744	4 715 642	14 698 879
	пластик карточкаларга ўтказилган суммалар	10 283 239	1 601 262	1 380 636	1 923 744	4 905 642	15 188 881
	пенсия	960 000	160 000	—	—	160 000	1 120 000
	ижара ҳақи	1 380 000	276 000	276 000	276 000	828 000	2 208 000
	дивидендлар	4 800 000	—	—	—	—	4 800 000
	меъёрдан ортиқча суткалик пуллар	70 410	—	—	—	—	70 410
16.3	Жисмоний шахсларнинг даромадларидан ушлаб қолиш ва ўтказишлар (алиментлар)	300 000	60 000	60 000	70 000	190 000	490 000
16.4	Натура шаклида тўлов (совға, дивидендлар)	4 800 000	—	—	—	—	4 800 000

Ҳисобот даврида қуйидаги ҳисоб-китоб операциялари амалга оширилди:

3-ЖАДВАЛ

Операция	Ўтказиш санаси	Сумма (сўм)
Июлда:		
Июнь учун ЖШДС ўтказилган	2 июлда	308 976
ЖШДС ҳисобига ШЖБПХга бадаллар ўтказилган		37 500
Июнь учун суғурта бадаллари ўтказилган		225 000
Июнь учун иш ҳақи пластик карточкаларга қайд этилган		1 601 262
Иш ҳақи беришга нақд пул маблағлари олинган	4 июлда	641 262
Пенсия тўлаш учун пул маблағлари олинган		160 000
Алиментлар ўтказилган		60 000
Жисмоний шахсга ижара ҳақи ўтказилган		276 000
Июль ойи учун бўнак берилди	16 июлда	900 000
Июль ойи учун СКнинг 172–178-моддаларига мувофиқ жисмоний шахсларга даромадлар ҳисоблаб ёзилди (2-жадвалнинг 6-банди)	31 июлда	3 770 000
ШЖБПХга мажбурий ажратмаларни чегирган ҳолда ЖШДС ушлаб қолинган (2-жадвалнинг 12-банди)		489 828
ШЖБПХга мажбурий ажратмалар ушлаб қолинган (2-жадвалнинг 11-банди)		34 700
Суғурта бадаллари (6%) ушлаб қолинган (2-жадвалнинг 13-банди)		208 200
Августда:		
Июль учун ЖШДС ўтказилган	2 августда	489 828
ЖШДС ҳисобига ШЖБПХга бадаллар ўтказилган		34 700
Июль учун суғурта бадаллари ўтказилган		208 200
Июль ойи учун иш ҳақи пластик карточкаларга қайд этилган	5 августда	1 380 636
Июль ойи учун иш ҳақи беришга нақд пул маблағлари олинган		420 636
Алиментлар ўтказилган		60 000
Жисмоний шахсга ижара ҳақи ўтказилган		276 000
Август ойи учун бўнак берилди	15 августда	900 000
Август ойи учун СКнинг 172–178-моддаларига мувофиқ жисмоний шахсларга даромадлар ҳисоблаб ёзилди (2-жадвалнинг 6-банди)	30 августда	4 920 000
ШЖБПХга мажбурий ажратмаларни чегирган ҳолда ЖШДС ушлаб қолинган (2-жадвалнинг 12-банди)		473 112
ШЖБПХга мажбурий ажратмалар ушлаб қолинган (2-жадвалнинг 11-банди)		46 200
Суғурта бадаллари ушлаб қолинган (2-жадвалнинг 13-банди)		277 200

Операция	Ўтказиш санаси	Сумма(сўм)
Сентябрда:		
Август ойи учун ЖШДС ўтказилган	2 сентябрда	473 112
ЖШДС ҳисобига ШЖБПХга бадаллар ўтказилган		46 200
Август учун суғурта бадаллари ўтказилган (6%)		277 200
Август ойи учун иш ҳақи пластик карточкаларга қайд этилган	5 сентябрда	1 923 744
Август ойи учун иш ҳақи беришга нақд пул маблағлари олинган		953 744
Алиментлар ўтказилган		70 000
Жисмоний шахсга ижара ҳақи ўтказилган		276 000
Бўнак берилди	17 сентябрда	900 000
Сентябрь ойи учун СКнинг 172–178-моддаларига мувофиқ жисмоний шахсларга даромадлар ҳисоблаб ёзилди (2-жадвалнинг 6-банди)	30 сентябрда	4 120 000
ШЖБПХга мажбурий ажратмаларни чегирган ҳолда ЖШДС ушлаб қолинган (2-жадвалнинг 12-банди)		330 612
ШЖБПХга мажбурий ажратмалар ушлаб қолинган (2-жадвалнинг 11-банди)		36 700
Суғурта бадаллари ушлаб қолинган (2-жадвалнинг 13-банди)		229 200

Ҳисобот даврида иш билан банд бўлган ходимлар ва ишланган кунлар сони тўғрисидаги маълумотлар 4-жадвалда келтирилади:

4-ЖАДВАЛ

	Кўрсаткичлар	Июль	Август	Сентябрь
1	ЯИТнинг энг кам миқдори ҳисоб-китобида ҳисобга олинадиган ходимлар сони (ўриндош ходимни қўшганда)	9	9	9
2	Барча ходимлар томонидан (ўриндош ходимни қўшганда) амалда ишланган кунлар	207	189	189
3	МАИМКВ томонидан тасдиқланган иш вақти тақвими бўйича иш кунлари сони	23	21	21
4	Президент Фармони билан белгиланган энг кам иш ҳақи*	79 590	86 138	91 530
5	ЯИТнинг энг кам миқдори (2-банд / 3-банд x 4-банд)	716 310	775 242	823 770
6	ЯИТнинг ҳисобланган суммаси (2-жадвалнинг 14-банди кўрсаткичлари бўйича)	867 500	1 155 000	955 000
7	Қўшимча ҳисобланган ЯИТ (5-банд - 6-банд)**	0	0	0

*ЭКИХ қуйидаги миқдорга тенг:

2012 йил 1 декабрдан 2013 йил 15 августгача - 79 590 сўм (Президентнинг 9.11.2012 йилдаги ПФ-4482-сон Фармонининг 2-банди);

2013 йил 15 августдан - 91 530 сўм (Президентнинг 11.07.2013 йилдаги ПФ-4547-сон Фармонининг 2-банди).

ЭКИХ қўшма хатида муносабати билан август ойи учун ЯИТнинг энг кам миқдори МВ ва ДСКнинг 17.09.2013 йилдаги ММ/04-01-32-14/781-сон ва 13/1-15653-сон қўшма хатида мувофиқ ўртача ойлик ЭКИХдан келиб чиқиб ҳисобланади. У 86 138 сўмга (79 590 x 14 кун + 91 530 x 17 кун) / 31 кун) тенг.

**Агар ҳисоб-китоб ойи учун ҳисобланган ЯИТ суммаси (6-банд) ЯИТнинг энг кам миқдоридан кўп ёки унга тенг бўлса (5-банд), қўшимча ҳисоблаш амалга оширилмайди.

Келтирилган маълумотларга асосланиб қуйидагиларни тўлдирамиз:

Ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотлар;

Тўланган даромадлар ва ўтказилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда ШЖБПХга бадаллар суммасининг расшифровкаси (бундан дивидендлар ва фоизлар мустасно) (Маълумотларга 1-илова);

Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китоби; ЯИТнинг энг кам миқдори маълумотнома-ҳисоб-китоби (ЯИТ ва суғурта бадаллари ҳисоб-китобига 3-илова).

ҲИСОБЛАНГАН ВА АМАЛДА ТЎЛАНГАН ДАРОМАДЛАР СУММАЛАРИ ҲАМДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИНИНГ УШЛАБ ҚОЛИНГАН СУММАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР

(йил бошидан ортиб борувчи якун билан тўлдирилади)

(сўмда)

Т/р	Кўрсаткичлар	Сатрлар	Тўловчининг маълумотлари бўйича
1	Йил бошидан даромад олган жисмоний шахслар сони, жами (киши)	001	11
	шу жумладан:		
	асосий иш жойи бўйича	002	9
	асосий бўлмаган иш жойи бўйича	003	2
2	Ҳисобланган даромадларнинг умумий суммаси	004	50 683 230
2.1	ундан моддий наф тарзида тўланган даромадлардан солиқ агенти билан меҳнатга оид муносабатларни ўрнатмаган жисмоний шахснинг ёзма аризасига кўра жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушлаб қолинмаган даромадлар	005	0

T/p	Кўрсаткичлар	Сатрлар	Тўловчининг маълумотлари бўйича
3	Солиқ солишдан озод қилинган даромадларнинг умумий суммаси	006	11 224 260
4	Солиқ солинадиган даромадларнинг умумий суммаси (солиқ солинадиган база), шундан: (004-сатр - 005-сатр - 006-сатр)	007	39 458 970
4.1	солиқ солиш шкаласи бўйича солиқ солинадиган даромадлар	008	35 348 970
4.2	дивиденд ва фоиз тарзидаги даромадлар	009	0
4.3	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 181-моддасида кўрсатилган, энг кам ставкада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган даромадлар	010	2 700 000
4.4	жисмоний шахснинг аризасига кўра энг юкори ставкада жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган даромадлар	011	1 410 000
5	Бюджетга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ҳисобланган умумий суммаси, шундан: (1-илованинг 5-устуни "Йил бошидан жами" сатри + 014-сатр)	012	3 522 253
5.1	008-сатрда кўрсатилган даромадлар бўйича	013	3 010 153
5.2	009-сатрда кўрсатилган даромадлар бўйича (2-илованинг 3-устуни "Йил бошидан жами" сатри)	014	0
5.3	010-сатрда кўрсатилган даромадлар бўйича	015	216 000
5.4	011-сатрда кўрсатилган даромадлар бўйича	016	296 100
6	ШЖБПХга ҳисобланган бадалларнинг умумий суммаси (1-илованинг 4-устуни "Йил бошидан жами" сатри)	017	367 590
7	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва фуқароларнинг суғурта бадаллари чегирилган ҳолдаги ҳисобланган даромадларнинг умумий суммаси (004-сатр - 012-сатр - 017-сатр - фуқароларнинг ҳисобланган суғурта бадаллари суммаси)	018	44 591 158
8	Жисмоний шахсларга тўланган даромадларнинг умумий суммаси (1-илованинг 6-устуни "Йил бошидан жами" сатри + 2-илованинг 5-устуни "Йил бошидан жами" сатри)	019	43 376 170
9	Бюджетга тўланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг умумий суммаси (1-илованинг 12-устуни "Йил бошидан жами" сатри + 2-илованинг 8-устуни "Йил бошидан жами" сатри)	020	3 407 641
10	ШЖБПХга тўланган бадалларнинг умумий суммаси (1-илованинг 11-устуни "Йил бошидан жами" сатри)	021	357 890

Ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолingan суммалари тўғрисидаги маълумотларга 1-ИЛОВА

2013 ЙИЛ III ЧОРАГИ УЧУН ТЎЛАНГАН ДАРОМАДЛАР ВА ЎТКАЗИЛГАН ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ҲАМДА ШЖБПХга БАДАЛЛАР СУММАСИНИНГ РАСШИФРОВКАСИ (БУНДАН ДИВИДЕНДЛАР ВА ФОИЗЛАР МУСТАСНО)

Операцияларни содир этиш санаси (кк/оо)	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва фуқаролар суғурта бадаллари чегирилган ҳолда ҳисобланган даромадлар суммаси	Шулардан солиқ солинадиган даромадлар	ШЖБПХга ҳисобланган бадаллар суммаси	Бюджетга ҳисобланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси (ШЖБПХга бадаллар чегирилган ҳолда)	Жисмоний шахсларга тўланган даромадлар*		Шулардан натурал шаклда тўланган даромадлар суммаси		6-устундан бўлак сифатида тўланган иш ҳақи	ШЖБПХга ўтказилган бадаллар суммаси	Бюджетга ўтказилган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг суммаси (ШЖБПХга бадаллар чегирилган ҳолда)
					жами	шу жумладан солиқ солинадиган	жами (6-устундан)	шу жумладан солиқ солинадиган			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Чорак бошига қолдиқ	2 738 524	2 578 524	37 500	308 976	x	x	x	x	x	x	x
2.07					1 601 262	1 601 262				37 500	308 976
4.07					1 137 262	977 262					
16.07					900 000	900 000			900 000		
31.07	3 037 272	3 037 272	34 700	489 828							
2.08										34 700	489 828
5.08					2 137 272	2 137 272					
15.08					900 000	900 000			900 000		
30.08	4 123 488	4 123 488	46 200	473 112							
2.09										46 200	473 112
5.09					3 223 488	3 223 488					
17.09					900 000	900 000			900 000		
30.09	3 523 488	3 373 488	36 700	330 612							
Жами:	10 684 248	10 534 248	117 600	1 293 552	10 799 284	10 639 284	0	0	2 700 000	118 400	1 271 916
Чорак охирига қолдиқ	2 623 488	2 473 488	36 700	330 612	x	x	x	x	x	x	x
Йил бошидан жами**	35 591 158	33 366 898	367 590	3 522 253	34 376 170	32 141 910	0	0	8 100 000	357 890	3 407 641

*Ушбу сатрда жисмоний шахсларга тўланган барча суммалар, шу жумладан жисмоний шахсларнинг даромадларини тўлаш учун банкдан олинган суммалар, жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларига ва банк ҳисобварақларига ўтказилган суммалар, жисмоний шахсларнинг даромадидан ушлаб қолишлар ва ўтказмалар, моддий наф тарзидаги даромадлар ва натура шаклида тўланган даромад суммаси кўрсатилади.

**Ушбу сатр ўтган чоракнинг "Йил бошидан жами" сатри билан жорий чоракнинг "Жами" сатри йигиндиси сифатида аниқланади. Биринчи чоракда "Йил бошидан жами" сатрида биринчи чоракнинг "Жами" сатри қиймати кўрсатилади.

Изоҳ.

1. "Чорак бошига қолдиқ" сатрида ўтган чорак учун бўлган Расшифровканинг "Чорак охирига қолдиқ" сатри тегишли устунларидан кўчириладиган суммалар кўрсатилади.

"Чорак охирига қолдиқ" сатрида:

2-устун = "Чорак бошига қолдиқ" сатрининг 2-устуни + "Жами" сатрининг 2-устуни - "Жами" сатрининг 6-устуни;

3-устун = "Чорак бошига қолдиқ" сатрининг 3-устуни + "Жами" сатрининг 3-устуни - "Жами" сатрининг 7-устуни;

4-устун = "Чорак бошига қолдиқ" сатрининг 4-устуни + "Жами" сатрининг 4-устуни - "Жами" сатрининг 11-устуни;

5-устун = "Чорак бошига қолдиқ" сатрининг 5-устуни + "Жами" сатрининг 5-устуни - "Жами" сатрининг 12-устуни.

2. Моддий наф тарзидаги даромадларнинг ҳисобланган (тўланган) суммалари ушбу тўловлар ҳисобланган (тўланган) ой учун ҳисобланган (тўланган) иш ҳақи суммаси билан бир вақтда кўрсатилади. Хизмат сафарига харажатлар учун бунақ тўловини амалга оширишда, нормалардан ортқча кундалик харажатларнинг ҳисобланган (тўланган) суммалари бунақ ҳисоботи қабул қилинган ой учун ҳисобланган (тўланган) иш ҳақи суммаси билан бирга кўрсатилади.

3. ШЖБПХга бадаллар (4-устун) ва бюджетга тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг (5-устун) ҳисоблаб чиқарилган суммалари, мазкур тўловлар ҳисоблаб чиқарилган 2-устунда кўрсатилган жисмоний шахсларнинг даромадлари ҳисобланган санага кўрсатилади.

ЯГОНА ИЖТИМОЙ ТЎЛОВ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИГА СУҒУРТА БАДАЛЛАРИ ҲИСОБ-КИТОБИ¹

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ягона ижтимоий тўлов шу жумладан:			Фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари
		жами	умумбелгилан- ган ставка бўйича	имтиёзли ставка бўйича*	
1	2	3	4	5	6
Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 172-моддаси)	010	36 703 810	36 703 810	0	36 703 810
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни бериш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига мувофиқ юридик шахс - Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўланадиган чет эллик ходимларнинг даромадлари (**)	011	0	0	x	x
Ягона ижтимоий тўлов ҳисобланмайдиган тўлов турлари (Ҳисоб-китобга 1-иловланинг 010-сатри); Фуқароларнинг суғурта бадаллари ҳисобланмайдиган тўлов турлари (Ҳисоб-китобга 2-иловланинг 010-сатри)	020	0	0	0	0
Солиқ солинадиган база: (010-сатр + 011-сатр - 020-сатр)	030	36 703 810	36 703 810	0	36 703 810
чоракнинг биринчи ойи охирига	0301	28 263 810	28 263 810	0	28 263 810
чоракнинг иккинчи ойи охирига	0302	32 883 810	32 883 810	0	32 883 810
чоракнинг учинчи ойи охирига	0303	36 703 810	36 703 810	0	36 703 810
Ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар ставкаси, %	040	x	25	0	6
Ижтимоий жамғармаларга ҳисобланган мажбурий тўловлар суммаси (030-сатр x 040-сатр)	050	9 175 953	9 175 953	0	2 202 229
чоракнинг биринчи ойи охирига	0501	7 065 953	7 065 953	0	1 695 829
чоракнинг иккинчи ойи охирига	0502	8 220 953	8 220 953	0	1 973 029
чоракнинг учинчи ойи охирига	0503	9 175 953	9 175 953	0	2 202 229
Ҳисобот даври учун ягона ижтимоий тўловнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (Ҳисоб-китобга 3-иловланинг 090-сатри), шу жумладан:	060	0	0	x	x
чоракнинг биринчи ойи учун (Ҳисоб-китобга 3-иловланинг 0901-сатри)	0601	0	0	x	x
чоракнинг иккинчи ойи учун (Ҳисоб-китобга 3-иловланинг 0902-сатри)	0602	0	0	x	x
чоракнинг учинчи ойи учун (Ҳисоб-китобга 3-иловланинг 0903-сатри)	0603	0	0	x	x
Ҳисобот даврида тўланиши лозим (050-сатр + 060- сатр), шу жумладан:	070	9 175 953	9 175 953	0	2 202 229
чоракнинг биринчи ойи учун (0501-сатр + 0601-сатр)	0701	7 065 953	7 065 953	0	1 695 829
чоракнинг иккинчи ойи учун (0502-сатр + 0602-сатр)	0702	8 220 953	8 220 953	0	1 973 029
чоракнинг учинчи ойи учун (0503-сатр + 0603-сатр)	0703	9 175 953	9 175 953	0	2 202 229

¹МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 22.03.2013 йилда 2439-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарорига 10-илова.

Изоҳ.

*Ихтисослаштирилган цехлар, участкалар ва корхоналарда ишловчи ногиронлар меҳнатидан фойдаланувчи юридик шахслар томонидан им-тиёзли ставка қўлланилганида тўлдирилади.

***"011"-сатрда тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда чет эллик ходимларга тўланадиган даромадлар, бироқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни бериш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига доир харажатлар умумий суммасининг 90%идан кам бўлмаган миқдорда кўрсатилади.

Берилган мисол маълумотларига кўра ҳисобот чорагида ЯИТ ва суғурта бадаллари ҳисоблаб ёзилмайдиган тўловлар амалга оширилмаган. Шу сабабли ЯИТ ва суғурта бадаллари ҳисоб-китобида 1 ва 2-иловалар тўлдирилмайди. Бундай тўловлар мавжуд бўлганда солиқ тўловчилар 1 ва 2-иловаларни тўлдиришлари ҳамда ЯИТ ва суғурта бадаллари ҳисоб-китоби билан биргаликда тақдим этишлари керак.

Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари
Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китобида 3-ИЛОВА

ЯИТнинг ЭНГ КАМ МИҚДОРИ МАЪЛУМОТНОМА-ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
1	2	3
ЯИТнинг энг кам миқдорини ҳисоб-китоб қилишда ҳисобга олинадиган ходимлар сони	010	х
чоракнинг биринчи ойи учун	0101	9
чоракнинг иккинчи ойи учун	0102	9
чоракнинг учинчи ойи учун	0103	9
Барча ходимларнинг ҳақиқатда ишлаган кунлари:	020	х
чоракнинг биринчи ойи учун	0201	207
чоракнинг иккинчи ойи учун	0202	189
чоракнинг учинчи ойи учун	0203	189
Ҳисобот даврида иш кунлари сони:	030	х
чоракнинг биринчи ойи учун	0301	23
чоракнинг иккинчи ойи учун	0302	21
чоракнинг учинчи ойи учун	0303	21
ЯИТ нормативи:	040	х
чоракнинг биринчи ойи учун	0401	79 590
чоракнинг иккинчи ойи учун	0402	86 138
чоракнинг учинчи ойи учун	0403	91 530
ЯИТнинг энг кам миқдори (0501-сатр + 0502-сатр + 0503-сатр):	050	2 315 322
чоракнинг биринчи ойи учун (0201-сатр / 0301-сатр х 0401-сатр)	0501	716 310
чоракнинг иккинчи ойи учун (0202-сатр / 0302-сатр х 0402-сатр)	0502	775 242
чоракнинг учинчи ойи учун (0203-сатр / 0303-сатр х 0403-сатр)	0503	823 770
Ҳисобот даврида ЯИТнинг ҳисобланган суммаси, шу жумладан (0601-сатр + 0602-сатр + 0603-сатр)	060	2 977 500
чоракнинг биринчи ойи учун (ҳисобот даври учун ЯИТ ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китобининг 0501-сатри 4-устуни - аввалги ҳисобот даври учун ЯИТ ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китобининг 050-сатри 4-устуни)	0601	867 500
чоракнинг иккинчи ойи учун (ҳисобот даври учун ЯИТ ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китобининг 0502-сатри 4-устуни - аввалги ҳисобот даври учун ЯИТ ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китобининг 0501-сатри 4-устуни)	0602	1 155 000
чоракнинг учинчи ойи учун (ҳисобот даври учун ЯИТ ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китобининг 0503-сатри 4-устуни - аввалги ҳисобот даври учун ЯИТ ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китобининг 0502-сатри 4-устуни)	0603	955 000
Ҳисобот даври учун ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (0701-сатр + 0702-сатр + 0703-сатр):	070	0
чоракнинг биринчи ойи учун (0501-сатр - 0601-сатр)	0701*	0
чоракнинг иккинчи ойи учун (0502-сатр - 0602-сатр)	0702*	0
чоракнинг учинчи ойи учун (0503-сатр - 0603-сатр)	0703*	0
Аввалги ҳисобот даври охирига ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси (аввалги Маълумотнома-ҳисоб-китобининг 090-сатри)	080	0
Ҳисобот даври охирига ЯИТнинг қўшимча ҳисобланган суммаси, шу жумладан (070-сатр + 080-сатр)	090	0
I ой охирига (0701-сатр + 080-сатр)	0901	0
II ой охирига (0702-сатр + 0901-сатр)	0902	0
III ой охирига (0703-сатр + 0902-сатр)	0903	0

*Агар 3-устуннинг "0601", "0602" ва "0603"-сатрлари қиймати 3-устуннинг тегишинча "0501", "0502" ва "0503"-сатрлари қийматига тенг ёки катта бўлса, 3-устуннинг "0701", "0702" ва "0703"-сатрларида "0" қиймати кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ўзининг жорий йилнинг август ойида бўлиб ўтган ўн иккинчи ялпи мажлисида “Гаров реестри тўғрисида”ги Қонунни маъқуллади. Миллий қонун ҳужжатларимиздаги мазкур янгилик кредитлар, қарзлар ва ссуда маблағлари олишни соддалаштириш орқали кичик бизнес ва аҳолининг молиялаштиришдан баҳрамандлик даражасини оширишга қаратилгандир.

“Гаров реестри тўғрисида”ги Қонун гаров муомаласига ҳозирги кунда фойдаланиб келинаётган бинолар ва иншоотларнигина эмас, балки кўчар мулкни, шу жумладан интеллектуал мулкни, инвентарь ва хом ёни, дебиторлик қарзини, қишлоқ хўжалигининг кутилаётган ҳосили ва бошқа ресурсларни ҳам кенг жалб этиш имконини беради. Кредиторларнинг (банклар, лизинг компаниялари, микромолиявий ташкилотлар ва бошқаларнинг) шундай таъминот остида молиялаштиришга маблағ

ажратишдаги таҳдид-таваккалчиликларини камайтиришда айна гаров реестри қўл келади. Зотан бу реестр гаровга қўйилган мол-мулкка бўлган барча ҳуқуқларни ва унинг ҳаракатини қайд этиб боради. Бундан кредит, қарз, олди-сотди, лизинг шартномалари ва бошқа битимлар бўйича таъминот ҳақидаги электрон “Эълонлар тахтаси” дейиш ҳам мумкин. Бундай эълонлар тахтасидан ҳар бир кредитор ва қарз олувчи веб-сайт орқали эмин-эркин баҳраманд бўлади, бу эса гаровга қўйилган мол-мулкни кузатиб бориш ва ундан рухсат этилмаган тарзда фойдаланилишини бартараф этиш имконини беради.

Халқаро молия корпорацияси (IFC) бундай лойиҳаларни амалга ошириш борасида салмоқли тажрибага эга. IFC нинг Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларида молиялаштиришдан баҳрамандлик бўйича дастури менежери Мурот СУЛТОНОВ бизга бу ҳақда хорижий мамлакатлардан бири мисолида гапириб берди.

ГАРОВ РЕЕСТРИ:

ОН-ЛАЙН ЙЎЛИ БИЛАН РЎЙХАТГА ОЛИШ ШАРОФАТИ

IFC нинг Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларида молиялаштиришдан баҳрамандлик бўйича дастури доирасида Афғонистон Банки билан биргаликда таъминланган кредитлашни ривожлантиришга ёрдам берувчи, мамлакатда қонунчилик ва бошқарув базасини барпо этишга қаратилган лойиҳа амалга оширилди. нинг учун IFC юристлари бу соҳани ривожлантириш йўлига ғов солиши эҳтимоли бўлган қонунчилик ва бошқа йўналишдаги омилларни аниқлаш юзасидан комплекс ташхис ўтказдилар, қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчиларга ёрдам бердилар ва бу соҳадаги илғор амалиётдан хабардорлик даражасини оширдилар.

Дастур илғор амалиёт асосида Афғонистонда гаров реестрини яратишга ёрдам берди. Мазкур лойиҳа маҳаллий молия институтларининг (банклар, лизинг компаниялари, инвесторлар ва шу сингариларнинг) салоҳиятини кучайтиришга, тегишли таъминот остидаги битимлар учун барқарор ва фойдали асосда бозорлар барпо этиш ва кенгайтиришга, гаров реестрини самарали тарзда бошқаришга йўналтирилгандир. Лойиҳа микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналарнинг таъминотга асосланган битимларнинг фойдалилигидан хабардорлик даражасини оширади.

Афғонистон иқтисодиётида кичик ва ўрта бизнес хусусий секторнинг асосий қисмини ташкил этади ва бошқаларга нисбатан кўпроқ иш жойларини яратиб беради. Айна шу соҳа мамлакатни иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омили саналади. Бироқ кредитлардан етарлича баҳраманд бўла олмаслик (мамлакат хусусий саноат корхоналарининг амалда атиги 3,4 фоизи кредитлардан фойдаланмоқда, холос) иқтисодий тараққиёт йўлига ғов солмоқда ва хусусий сектор ривож топиб, ўз салоҳиятини тўла намоён этишига халақит бермоқда. Одатда гаров билан таъминланганлик етарли эмаслиги ёки номақбуллиги сабабли ҳам молиялаштиришдан бош тартадилар. Кредиторларнинг ташвиши, уларнинг кўчар мулкни гаров сифатида қабул қилишни рад этиши куйидаги уч омил туфайлидир:

- кредитлаш соҳасида кучли қонун ҳужжатлари йўқлиги;
- қарз тўлашдан бош тортиладиган ҳоллар борасида қонунчилик чоралари етарли эмаслиги;
- гаровларни рўйхатга олиш етарлича очиқ-ошкора эмаслиги.

ТАЪМИНОТ остидаги битимлар тўғрисидаги қонун кучга кириши билан Афғонистон Яқин Шарқ ва Шимолий Африкада таъминот остида кредитлашнинг замонавий тизимини барпо этган биринчи мамлакат бўлиб қолди. 2009 йилнинг июлида бу борада муҳим қадам қўйилди: Кўчар мулк таъминоти остидаги битимлар ҳақида қонун қабул қилинди. Мазкур қонун кўчар мулкдан таъминот сифати-

да фойдаланишни рағбатлантиришга қаратилган янги илғор қонунчилик базасини таъмин этди.

Қонун фойдаланишга ижозат этиладиган гаров нарсаларини аниқлаб берди. Ҳар қандай моддий ва номоддий мол-мулк, бўлғуси активлар (улар гаров берувчи томонидан барпо этилади, ҳосил қилинади ёки сотиб олинади) ҳамда дебиторлик қарзлари ва товар-амбор қимматликларини сингари айланма активлар гуруҳлари шундай гаров нарсаси бўлиши мумкин. Қонун, гаров муайян турининг қандай номланишидан қатъи назар, тарафларнинг ахдлашувига мувофиқ мажбуриятлар билан таъмин этиладиган кўчар мулкнинг барча турларини бир йўсинда таърифлаб берди.

Мажбурият орқали зиммага юкланувлар сирасига гаров; сотувчининг ундирув-

самарали ва ортиқча чиқим талаб этмайдиган механизмлари жуда муҳимдир. Қонун мажбуриятни бажариш рад этилган тақдирда гаров нарсасига бўлган эгалик ҳуқуқи ва уни сотиш ҳуқуқи судга мурожаат этмаган тарзда кучга киришига имкон беради. Эгалик қилиш ва сотиш билан боғлиқ бу ҳолатнинг кучга киришига рухсат этилиши учун кўпинча гаров нарсаси ўз қимматини тез йўқотиши, шу боис уни қадрсизланишидан олдин сотиш жоизлиги сабаб бўлади.

Қонунда кредиторларни ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя этиш чоралари ҳам назарда тутилмоқда. Судсиз ундирувга қаратиш чоралари суиистеъмолликларнинг олдини олишга ёрдам беради, гаров нарсаси хусусий ёки оммавий сотув орқали адолатли баҳода сотилишини таъминлайди.

Афғонистон Банкининг Яқин Шарқ, Шимолий Африка ва Жанубий Осиё минтақасидаги биринчи электрон гаров реестри куйидагиларга кўра халқаро стандартларга ва энг яхши хорижий амалиётга мувофиқ келади:

- **аниқлик** – ишончли ахборот бериш;
- **тезкорлик** – рўйхатга олиш ва излаш-қидиришдаги тезкорлик;
- **ҳаммабоплик** – кеча-кундуз он-лайн орқали баҳраманд бўла олиш;
- **молия бобидаги баҳрамандлик** – тўловлар реестрни сақлаб туриш учун кетадиган харажатларни қоплайди;
- **соддалик** – ишлатиш осонлиги, хатога йўл қўйиш хавфи камлиги;
- **рўйхатга олиш мақсади негиздаги чекланганлик** – хабарнома бериш ва навбатни белгилаш;
- **компьютерлаштирилганлик** – рўйхатга олишда ва керакли маълумотларни излаш-қидиришда белгиланган қоидаларга риоя этилиши компьютер ёрдамида текшириб борилади.

ни кредитга сотилган, аммо тўлов амалга оширилмаган товарларга қаратиш ҳуқуқи; сотувчининг сотув асносида мулк ҳуқуқини ушлаб қолишга асосланган ҳуқуқи; лизинг берувчининг лизингга берилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқи; шунингдек мажбурият таъминоти вазифасини ўтаётган кўчар мулкка бўлган бошқа ҳар қандай ҳуқуқлар киради. Қонунни қўлланишнинг кенг қўламлари кредиторларга ва кўчар мулкка доир ҳуқуқдор бошқа шахсларга кўзланган ишни бемалол амалга ошириши учун ишонч бахш этди, негаки улар мазкур мол-мулкка нисбатан бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари устидан кафолатланган устуворликка эга.

Кўчар мулк воситасида таъминланган ҳуқуқларни барпо этиш учун расмий талаблар кескин камайтирилди. Моҳиятан олганда, қонун қарз олувчи билан кредитор ўртасида ёзма келишувни талаб этади, холос. Манфаатдор тарафлар унда ўзаро муносабатлар билан боғлиқ барча масалаларни қамраб олишлари мумкин. Кўчар мулк воситасида таъминланган ҳуқуқларни ҳар қандай жисмоний ва юридик шахс бериши ва олиши мумкинлиги жуда муҳимдир. Қарз олувчи билан кредитор ўртасидаги келишувни шакллантиришнинг жўнлиги ва мослашувчанлиги кўчар мулк гарови остида молиялаштиришга кенг имкониятлар беради ҳамда вақт ва молия маъносида бу ишга кетадиган чиқимларни камайтиради.

Кредиторлар ҳуқуқларини муҳофаза этишда ундирувга қаратишнинг тезкор,

АФҒОНИСТОН Банки 2010 йилда қабул қилинган низомлар асосида янги, тўла-тўқис компьютерлаштирилган, халқаро илғор амалиётга монанд гаров реестрини яратди. Мазкур ҳужжат таъминланган ҳуқуқларни рўйхатга олишнинг самарали, очиқ-ошкора миллий тизимини таъмин этиш учун барча зарур талабларга жавоб бера бориб, иккита асосий мақсадга хизмат қилмоқда. Бинобарин у учинчи тарафни мажбурият мавжудлиги эҳтимолидан хабардор этади ҳамда ҳуқуқлар рўйхатга олинган сана ва вақтга мувофиқ талабларнинг навбатини белгилайди.

Эгалик ҳуқуқлари (масалан, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар) реестрларидан фарқли равишда таъминот остидаги битимлар реестри эгалик ҳуқуқини яратмайди ва бермайди. Мазкур реестр кредиторнинг активлар хабарномасида тавсиф этилган таъминланган ҳуқуқларини эълон этиш ва ошкор қилишга мўлжалланган, холос. Зотан реестр ходимлари ундаги ахборотларнинг ҳаққонийлиги, аниқлиги ёки тўғрилиги учун жавоб бермайдилар, бу ахборотни текшириб кўришга ваколатли ҳам эмаслар. Реестрда қайд этилган хабарлар қарз олувчининг шахсига оид маълумотларни, кредиторнинг номи ва у билан алоқа боғлашга оид маълумотларни, гаров нарсасининг умумий ёки конкрет тавсифини қамраб олади.

Реестрдан ҳамма бепул фойдалана олиши таъминланади. Ҳар қандай шахс

қунига 24 соат ва ҳафтасига 7 кун мобайнида унда он-лайн режимида излаш, қидириш ишларини олиб бориши мумкин. Излаш-қидириш топширигини қарз олувчи юридик ёки жисмоний шахс эканлигидан келиб чиқиб, СТИР бўйича ёки паспорт рақами бўйича киритиш мумкин. Гаров нарсаси бўлиб хизмат қилаётган автомобиль ёки ускунанинг туркумий рақами, хабарноманинг қайд рақамидан фойдаланган ҳолда ҳам излаш, қидириш учун сўров бериш мумкин.

Кредитор сифатидаги ўз ҳуқуқларини ҳимоя этиши ва кучайтириши жоиз бўлган ҳар бир банк, лизинг компанияси ёки бошқа молия муассасаси соҳа бўйича мижозлар доирасини тез ва осон барпо этиб, он-лайн иловадан фойдаланган ҳолда хабарнома ва билдиргиларнинг он-лайн асосидаги қайдини бошлаши мумкин. Талабнома тасдиқлангач (булар автомат тарзда қабул қилинади ёки рад этилади), мижоз Афғонистон Банкининг исталган филиалида хабарномалар гаров реестрида рўйхатга олинганлиги учун номигагина, рамзий тўлов киритиб, ундан фойдаланавериши мумкин, бунда у хабарномаларнинг рўйхатдан ўтказилишига ҳамда зарурати бўлганда излаш, қидиришлар ҳақида тасдиқланган ҳисоботлар олинишига эришади.

Мажбуриятларнинг гаров реестрида рўйхатга олиниши уларнинг учинчи тарафлар учун очиқ-ошкоралигини таъминлайди, ҳуқуқлари устуворлигини кўрсатади, ҳам. Таъминланган ҳуқуқлар эълон қилиниб, уларнинг устуворлиги белгиланар экан, улар қонун бўйича шакллантирилган деб ҳисобланади. Битта гаров нарсасининг ўзига бир нечта таъминланган ҳуқуқлар мавжуд бўлган тақдирда навбат ҳуқуқи асосида қарз олувчи мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаган тақдирда уни сотишдан келган тушумларга татбиқан талабларни қаноатлантириш устуворлиги белгиланади. Навбатнинг аниқ ва тўлиқ схемаси кредиторларга таъминот асосида кредит берганда ҳуқуқий таваккалчиликларни назорат қилишга нисбатан етарлича ишонч бахш этади.

Халқаро амалиётнинг кўрсатишича, гаров реестрининг бўлиши, одатда, ўз фаолиятини йўқ ердан бошлайдиган ва бирон жойни, ускунани ижарага олиб, бир нечта одамни ишга ёллаб фаолиятга киришадиган кичик бизнес вакиллари молиялаштиришга эга бўлишини осонлаштиради. Айна бир вақтда гаров реестри банклар ва бошқа молия ташкилотларининг кредит портфелини диверсификация қилиш имконини берадики, бу нарс ҳам кўчмас, ҳам кўчар мулкни гаровга қўйган ҳолда кредит бериш қўламини кенгайтиради. Натижада банк ва молия сектори янада ривож топиши қайд этилади, бу эса, шак-шубҳасиз, кичик бизнес ва умуман мамлакат аҳолисининг молиялаштиришдан баҳрамандлик даражасини яхшилашга ижобий таъсир этади.

Мен – МЧЖ директоринман. Ўзимга тегишли МЧЖ билан шартномалар (қарз, ижара, олди-сотди) тузишим мумкинми? Шартномаларни жамият номидан ким имзолаши керак бўлади? Агар уларни икки тарафдан менинг ўзим (ўзим билан ўзим) имзолайдиган бўлсам, қонунчиликни бузган бўлмайманми?

С.Қодиров.

ЎЗ-ЎЗИГА ИЖАРАЧИ БЎЛА ОЛАДИМИ?

– Қонун ҳужжатларига мувофиқ жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка эга бўлиши, ўз номидан ҳуқуқларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Жамият қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турларини амалга ошириши мумкин (6.12.2001 йилдаги “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида” 310-II-сон Қонун, кейинги ўринларда – МЧЖ тўғрисидаги Қонун).

МЧЖ тўғрисидаги Қонуннинг 39-моддаси биринчи қисмига мувофиқ директор масъулияти чекланган жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи ҳисобланади. У жамият номидан ишончномасиз иш юритиши, шу жумладан битимлар тузиши мумкин (МЧЖ тўғрисидаги Қонун 39-моддаси тўртинчи қисмининг иккинчи хатбошиси). Фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар ўз фуқаролик ҳуқуқларига ўз эрқларига мувофиқ эга бўладилар ва бу ҳуқуқларини ўз манфаатларини кўзлаб амалга оширадилар. Улар шартнома асосида ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилашда ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳар қандай шартнома шартларини аниқлашда эркиндирлар (Фуқаролик кодекси (ФК) 1-моддасининг иккинчи хатбошиси). ФК 354-моддасига биноан фуқаро ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар.

Шу билан бирга, агар битимлар (шу жумладан қарз, ижара, олди-сотди шартномалари) тузилишидан жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи вазифасини амалга оширувчи шахс – директорнинг манфаатдорлиги бўлса, улар жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг розилиги билан тузилади. Директор жамият томонидан битим тузилишидан, шу жумладан агар у тарафлардан бири бўлса, манфаатдор шахс деб эътироф этилади (МЧЖ тўғрисидаги Қонуннинг 43-моддаси). Битим тузилишидан манфаатдор шахс шундай шахс деб эътироф этиладиган пайтга қадар тузилган битимлар бундан мустасно. Айтиш ҳолатида жамият иштирокчиларининг кейинги умумий йиғилиши ўтказилишига қадар қарор талаб қилинмайди.

Шу тариқа, кўрсатилган битимлар МЧЖ иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан маъқулланган тақдирда, МЧЖ худди шу жамиятнинг директори билан шартномалар тузишга ҳақлидир. Кўрсатилган тартибга риоя этмаслик ушбу битимни ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлади.

Қарз шартномасини икки томонлама (ўзи билан ўзи) имзолашга келсак, бунда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак бўлади.

ФК 129-моддасининг учинчи қисмига асосан вакил ўзига ваколат берган шахс номидан шахсан ўзига нисбатан битимлар тузиши мумкин эмас.

Бунда, ФК 45-моддасининг биринчи қисмига биноан юридик шахс амалдаги қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ ўз органлари орқали фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва фуқаролик мажбуриятларини зиммасига олади. Юридик шахснинг органлари, шу жумладан директор ҳам фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг мустақил субъекти сифатида қаралиши мумкин эмас ва бинобарин, улар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда юридик шахснинг вакили сифатида чиқа олмайдилар. Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, жамият директорининг ҳаракатларини жамият вакилининг эмас, балки бевосита айнан жамиятнинг ҳаракатлари деб қараш керак бўлади.

Демак, биргина жисмоний шахс битимнинг икки тарафидан турли юридик шахсларнинг органлари сифатида ёки шахсан ўз номидан чиқиб, битимни тузиши ва ундаги ҳужжатни имзолаши мумкин.

Шу тариқа, жисмоний шахс ўзи директори бўлган масъулияти чекланган жамият билан, манфаатдорликдаги битимларга розилик олиш тўғрисидаги қоидаларга риоя этган ҳолда, шартномалар тузишга ҳақлидир.

Елена ЕРМОХИНА, эксперт-юристимиз.

ХИЗМАТ САФАРИ АСОСЛИ БЎЛИШИ КЕРАК

Мен – МЧЖ муассисиман. Корхонам директори ишлаб чиқариш заруратисиз қариндошлари яшайдиган Нукусга хизмат сафари билан тез-тез борадиган бўлиб қолди. Бунда харажатларни у хизмат сафари пуллари сифатида ташкилот ҳисобидан қоплайди. Мен ташкилот (МЧЖ) мол-мулкнинг мулкдори сифатида ташкилот раҳбарини менга етказилган зарарни ундириш тарзида моддий жавобгарликка тортишга ҳақлиманми?

Г.Тян.

– Ташкилот раҳбарининг ишлаб чиқариш зарурати далилларисиз, яъни хизматга оид топшириқлар ва хизмат сафари тўғрисидаги ҳисоботларсиз хизмат сафарига чиқиши ташкилот раҳбарига бу мақсадлар бўйича харажатларни қоплаш учун тўланган пул маблағлари у томондан шахсий мақсадларда сарфланган, мазкур тўлов эса ташкилотга тўғридан-тўғри ҳақиқий зарар етказиш деб топилиши мумкин. Мазкур ҳолда ташкилот мол-мулкнинг мулкдори ташкилот раҳбарини ундан тўғридан-тўғри ҳақиқий зарарни ундириш тарзида моддий жавобгарликка тортишни талаб қилишга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида йўриқноманинг (МВ ва МАИМҚВнинг АВ томонидан 29.08.2003 йилда 1268-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 1-бандига мувофиқ хизмат сафари деб ходимнинг ташкилот, муассаса, бирлашма, корхона раҳбарининг фармойиши бўйича, ўзининг доимий иш жойидан ташқарида хизмат топшириғини бажариш учун бошқа жойга, маълум бир муддатга юборилиши (бориб келиши) тушунилади. Доимий иши йўлда ёки кўчиб юриш билан боғлиқ бўлган ёхуд доимий ҳаракатланувчи тусга эга бўлган ходимларнинг хизмат юзасидан бориб келишлари хизмат сафари ҳисобланмайди.

Йўриқноманинг 2-бандига асосан ташкилот ходимларини хизмат сафарларига юбориш ушбу ташкилотларнинг бошлиқлари

томонидан амалга оширилади, буйруқ ва сафар гувоҳномасини бериш билан расмийлаштирилади. Йўриқноманинг 15-бандига кўра ходим хизмат сафаридан қайтган кундан эътиборан 3 кун мобайнида иш берувчига бўнак ҳисоботини тақдим қилиши шарт. Ушбу ҳисоботга белгиланган тартибда расмийлаштирилган хизмат сафари гувоҳномаси ва хизмат сафарига ҳақиқатда қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида” Қонун (6.12.2001 йилдаги 310-II-сон Қонун, бундан кейин – МЧЖ тўғрисидаги Қонун) 42-моддасининг биринчи қисмида белгиланишича, жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи (директор) ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб ҳалол ва оқилона ҳаракат қилиши керак.

Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи МЧЖга ўзларининг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарар учун, агар қонун ҳужжатларида бошқа асослар ва жавобгарлик миқдорлари кўрсатилган бўлмаса, жамият олдида жавобгар бўлади (МЧЖ тўғрисидаги Қонун 42-моддасининг иккинчи қисми).

Жамият ёки унинг иштирокчиси жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи томонидан жамиятга ет-

казилган зарар ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат этишга ҳақлидир (МЧЖ тўғрисидаги Қонун 42-моддасининг бешинчи қисми).

Меҳнат кодексининг 208-моддасига асосан корхона мулкдори ёки у ваколат берган орган билан тузилган меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган корхона раҳбари томонидан корхонага етказилган зарар ихтиёрий ёки суд тартибидан қопланади.

Бевосита етказилган ҳақиқий зарар деганда иш берувчининг мавжуд мол-мулки (шу жумладан иш берувчи учинчи шахслардан ижарага олган мол-мулк) амалда камайганлиги ёки ёмон ҳолатга келганлиги, шунингдек иш берувчининг ортиқча тўловлар қилиш зарурати тушунилади (МЧЖ 198-моддасининг иккинчи қисми).

Бинобарин, хизмат сафарларини, шунингдек хизматга оид топшириқлар ва хизмат сафарлари тўғрисида ҳисоботларнинг ишлаб чиқариш зарурати ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги далил-исботлари бўлмаса, ташкилот раҳбарига хизмат сафарлари бўйича харажатларни қоплашга тўланган пул маблағлари унинг томонидан шахсий мақсадларда сарфланган, бу билан ташкилотга тўғридан-тўғри ҳақиқий зарар етказилган деб топилиши мумкин.

Баён этилганларни ҳисобга олиб, ташкилот мол-мулки мулкдори ташкилот раҳбарини, агар у ишлаб чиқариш заруратисиз, хизматга оид топшириқлар ва хизмат сафарлари тўғрисида ҳисобот топширмасдан хизмат сафарларига чиққан, уларнинг харажатлари ташкилот ҳисобидан қопланган бўлса, ундан тўғридан-тўғри ҳақиқий зарарни ундириш тарзида моддий жавобгарликка тортишга ҳақлидир.

ЭЪЛОНЛАР

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 346-16-89.

Жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича адвокат, юридик хулосалар бериш. МЧЖ, ХКни мутлақ сифат даражасида рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш*. Тел.: 936-06-02, 970-65-91.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел. (+998 90) 370-63-06.

ХИЗМАТЛАР

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: 556-61-31, 974-54-03.

Картрижларни тўлдириш. UzKART, ОН-ЛАЙН терминаллар жойига чиқиш билан. Тел.: 235-19-91, 171-99-28, 162-34-55. www.likan.uz

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ “Norma Hamkor” МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru,
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келмавермайди.
Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «Норма» газеталари бирлашган тахририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета ношир – “Norma” МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди
(Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 1194 Агад 2140. Баҳоси келишилган нархда
Газета А3 ҳажмида, 2 шартли босма табақда чоп этилди.

Газета 2013 йил 7 октябрда соат 18.30 да топширилди.

ISSN 2010-5223